

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.I.16.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЖИМУРАТОВ НИЗОМЖОН ШУКУРУЛЛАЕВИЧ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) dissertation abstract

Хажимуратов Низомжон Шукуруллаевич

Молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш 3

Хажимуратов Низомжон Шукуруллаевич

Совершенствование методологии аудита финансовой отчетности 31

Khajimuratov Nizamjan Shukurullayevich

Improving the methodology of auditing financial statements 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 63

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/10.12.2019.1.16.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЖИМУРАТОВ НИЗОМЖОН ШУКУРУЛЛАЕВИЧ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.DSc/Iqt279 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Авлокулов Анвар Зиядуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Абдугапур Каримович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Дусмуратов Раджапбай Давлатбоевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Аликулов Абдумўмин Исматович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/10.12.2019.1.16.01.рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1049 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-43-51.

Диссертация автореферати 2021 йил «12» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «12» июль даги 14 - рақамли реестр баённомаси.)



Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.д., доцент

С.К. Худойкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида коронавирус пандемиясининг тарқалиши кўплаб давлатларнинг иқтисодиётига сезиларли таъсир ўтказмоқда. «Коронавирус пандемияси туфайли, биргина 2020 йилнинг ўзида жаҳон мамлакатларида 2,7 триллион АҚШ доллари миқдорида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми камайган»¹. Бундан ташқари жаҳон мамлакатларида компанияларнинг бизнес фаоллиги ҳамда ташқи иқтисодий фаоллиги сезиларли даражада пасайиб, молиявий барқарорлигига раҳна солмоқда. Бундай ўзгаришлар компаниялар фаолияти узлуксизлигига таъсир ўтказиб, улар томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги пасайишига олиб келмоқда. Мазкур ҳолат халқаро аудиторлик компаниялари томонидан молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш жараёнига ҳам таъсир этиб, аудиторлик рискининг ошиб кетишига олиб келмоқда. Аудиторлик компаниялари молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш жараёнида етарлича далил тўплаш, таҳлилий амалларни қўллаш, фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш ва аудиторлик хулосаларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида молиявий ҳисобот аудитининг методологик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур тадқиқотларда молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш, аудиторлик рискларининг мақбул тўпламини аниқлаш, молиявий ҳисобот аудитида муҳимлик даражасини аниқлаш, аудиторлик хулосалари ва ҳисоботларини тузиш масалалари ўз ечимини топган. Эътироф этиш жоизки, тадқиқотлар йўналишида айни пайтда молиявий ҳисобот аудитида фирибгарликларни аниқлаш ва бартараф этиш, аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни қўллаш, ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш жараёнини такомиллаштиришга эришилган. Лекин халқаро стандартлар талаблари даражасида молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар жорий қилинди. Айниқса хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда қулай инвестицион муҳитни яратиш мақсадида молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларига ўтиш борасида амалий чоралар кўрилмоқда. Хусусан «аудиторлик ташкилотларини, аудиторларни аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш масалаларида фаол услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш»² вазифаси белгиланиши молиявий ҳисобот аудитини халқаро стандартлар асосида ўтказишни тақозо этади. Мазкур вазифалар молиявий ҳисобот аудитини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш ҳамда унинг услубий асосларини такомиллаштириш муҳимлигини кўрсатиб беради.

¹ <https://www.bloomberg.com/graphics/2020-coronavirus-pandemic-global-economic-risk/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон Қарори. www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада методологик асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи университетлари ва илмий марказлари, жумладан, Халқаро бухгалтерлар федерацияси (IFAC), International Auditing and Assurance Standards Board (IAASB), Дипломли сертификатланган бухгалтерлар ассоциацияси (ACCA), Америка дипломли жамоатчи бухгалтерлар институти (AICPA), («Катта тўртлик» халқаро аудиторлик компаниялари – Deloitte&Touche, Pricewaterhouse Coopers, Ernst & Young, KPMG), Дипломли Бухгалтер-аудиторлар институти (Австралия), University of Manchester (Буюк Британия), University of Central Lancashire (Буюк Британия), Georg August University of Göttingen (Германия), University of Ottawa (Канада), The Australian National University (Австралия), University of Zagreb (Хорватия), Business, Economics and Law at University of Gothenburg (Швеция), University of South Africa (Жанубий Африка Республикаси), Turku School of Economics (Финландия), Polytechnic Institute of Porto (Португалия), Copenhagen business school (Дания), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодий университети (Россия), Озарбайжон давлат иқтисодий университети (Озарбайжон), Тошкент давлат иқтисодий университети, Тошкент молия институти томонидан олиб борилмоқда.

³ <https://www.ifac.org>; <https://www.iaasb.org>; <https://www.accaglobal.com>; <https://www.aicpa.org>; <https://www2.deloitte.com>; <https://www.pwc.com>; <https://www.ey.com>; <https://home.kpmg/xx>; <https://www.aasb.gov.au>; <https://www.research.manchester.ac.uk>; <http://clouk.uclan.ac.uk>; <https://ruor.uottawa.ca>; <https://openresearch-repository.anu.edu.au>; <http://www.unizg.hr>; <https://ediss.uni-goettingen.de>; <http://uir.unisa.ac.za>; <https://www.utu.fi>; <https://repositorio.ipl.pt>; <https://research-api.cbs.dk>; <https://www.msu.ru>; www.rea.ru; <http://unec.edu.az>; <http://tsue.uz>; <http://www.tfi.uz>.

Халқаро даражада молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий изланишлар якуни сифатида қуйидаги илмий натижалар олинган, жумладан: молиявий ҳисобот аудитида далил тўплаш жараёнини такомиллаштириш орқали аудиторлик ташкилотлари иши сифатини ошириш асосланган (University of Manchester, Буюк Британия); молиявий ҳисобот аудитида халқаро стандартларни қўллаш орқали рискларни аниқлашга оид методологик муаммоларни бартараф этиш асосланган (Business, Economics and Law at University of Gothenburg, Швеция); молиявий ҳисобот аудити бўйича аудиторлик хулосасининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигига таъсири ёритиб берилган (Georg August University of Göttingen (Германия); аудиторлик текширувларида молиявий ҳисобот ахборотларини сохталаштириш билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатларини бартараф этиш орқали аудиторлик хулосасининг ишончилигини таъминлаши мқониятлари аниқланган (Polytechnic Institute of Porto, Португалия); молиявий ҳисобот аудитида эконометрик моделлаштириш усулларини қўллаш орқали аудиторлик ташкилотининг харажатларини камайтиришга эришилган (Turku School of Economics, Финландия); молиявий ҳисобот аудитида далилларнинг етарлилигини таъминлаш мақсадида аудитнинг интеграл режалаштириш модели ишлаб чиқилган (University of South Africa, Жанубий Африка Республикаси).

Дунё миқёсида ҳозирги кунга келиб, молиявий ҳисобот аудитининг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: молиявий ҳисобот аудити сифатини халқаро стандартларга мослаштириш; молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш жараёнида аудиторнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлаш; коронавирус пандемиясининг молиявий ҳисобот аудитига салбий таъсирини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш; аудиторлик текширувларида фаолият узлуксизлигини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш; молиявий ҳисобот аудитида рискларни баҳолаш методологиясини такомиллаштириш; молиявий ҳисобот аудитида далил тўплаш жараёнини такомиллаштириш; молиявий ҳисобот аудитида фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш методологиясини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича хорижда Э.А.Аренс, Р.Адамс, М.Бенис, Р.Додж, Д.Р.Кармайкл, Дж.Лоббек, Дж.Робертсон⁴нинг илмий ишларида батафсил ёритилган, МДҲ мамлакатларининг иқтисодчи-олимлари: Н.П.Барышников, Н.Н.Белуха, С.М.Бычкова, П.И.Камышанов, Ж.А.Кеворкова, В.П.Суйц, А.А.Терехов, А.Д.Шеремет⁵, бундан ташқари республикамиз

⁴ Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2013. – 560с.; Адамс Р. Основы аудита. Пер. с англ./под ред. Я.В. Соколова. – М.: ЮНИТИ, 2015.-398с.; Додж Р. Краткое руководство по стандартам и нормам аудита. Пер. с англ.: предисловие С.А.Стукова. – М.: Финансы и статистика, ЮНИТИ, 1992. – 240с.; Робертсон Дж. Аудит / Пер. з англ./Дж. Робертсон – М.: Контакт, 2004. – 496с. Кармайкл Д.Р., Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ. – М.: Аудит. ЮНИТИ, 1995.-527с.

⁵ Барышников Н.П. Организация и методика проведения общего аудита. 4-е изд. перер. и доп. – М.: Филинь, 1998. – 528с; Белуха Н.Т. Аудит. Учебник «Знания», КОО, 2000. – 769 с; Бычкова С.М. Аудиторская деятельность. Теория и практика. – СПб.: Лань, 2000. – 320с.; Камышанов П.И. Практическое пособие по

олимларидан: К.Б.Ахмеджанов, Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, Н.Ф.Каримов, З.Т.Маматов, М.Қ.Пардаев, С.Н.Ташназаров, М.М.Тўлахўжаева, К.Б.Ўразов, И.Н.Қўзиев, Б.А. Ҳасанов ва Б.Қ.Ҳамдамовнинг⁶ илмий ишларида айрим масалалар ўз ечимини топган.

Лекин таъкидлаш жоизки, молиявий ҳисобот аудитининг методологик асослари етарли даражада ўрганилмаган. Айниқса, Ўзбекистон шароитида молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари яхлит ҳолатда тадқиқ қилинмаганлиги мазкур диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот фаолиятининг асосий йўналишларида белгиланган ФМ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараққиётини концептуал йўналиши» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда АМ-ФЗ-2019081548-«Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботларини трансформация қилиш» мавзусидаги амалий лойиҳа, № ФЗ-2020072918 «Электр энергетикаси тармоғидаги корхоналар учун амалдаги ҳисоб циклларига кейинчалик интеграциялаш орқали МҲХС асосида молиявий ҳисоботлар тузиш бўйича дастурий маҳсулот яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисобот аудитининг назарий ва методологик муаммоларини тадқиқ этиш;

аудиту. – М.: ИНФРА-М. 1996. – 522 с.; Международные стандарты аудита/Ж.А.Кеворкова. – М.:Юрайт, 2014. – 458с.; Терехов А.А. Аудит: перспективы развития. – М.:Финансы и статистика, 2001. – 560 с.; Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 456 с.

⁶ Ахмеджанов К.Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш: 08.00.07: и.ф.н... дисс. автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – Т., 2016. -76 б., Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: монография. – Т.: Молия нашриёти, 2007. – 276 б. Ибрагимов А.К. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банклари молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини баҳолашни такомиллаштириш. Монография. – Т.: Молия, 2015.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2006. – 262 б.; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. – Т., 2005. – 40 б. – 160б.; Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилни назарий ва методологик муаммолари: Иқт.фан.док. дис. автореф. – Тошкент: Ўз.Р.БМА. 2002. – 43 б.; Ташназаров С.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. – 74 б.; Тулахўжаева М. Корхона молиявий аҳволи аудити. – Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 1996 – 193 б.; Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: Фан, 2005. – 236 б.; Қўзиев И.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аудиторлик ҳисоботини тузиш ва умумлаштириш методологиясини такомиллаштириш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореф. Тошкент-2017. -70 б.; Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт: Монография. – Т.: Молия, 2003. – 248 б.; Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореф. – Т.: 2007. – 260 б.

молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузишнинг аҳамияти ва зарурлигини ёритиб бериш;

молиявий ҳисобот аудитини ташкил қилиш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот маълумотларининг шаффофлигини оширишда молиявий ахборотнинг сифат хусусиятларига аниқлик киритиш;

молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш ва бошқа турдош хизматларни кўрсатиш жараёнида аудиторлар иши сифатининг ички назоратини аудиторлик фаолияти стандартларига биноан амалга ошириш тартибини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

акциядорлик жамиятлари фаолияти узлуксизлигини баҳолашда таҳлилий амалларни қўллаш жараёнини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

аудиторлик текширувларини режалаштириш жараёнини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича тавсиялар бериш;

молиявий ҳисобот аудитида ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш юзасидан ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

аудиторлик ташкилотларида аудиторлик рискни камайтириш мақсадида молиявий ҳисобот аудити билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

аудиторлик текширувларининг якуни бўйича тузиладиган аудиторлик хулосаларининг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси саноат тармоғидаги акциядорлик жамиятлари ва аудиторлик ташкилотлари фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети молиявий ҳисобот аудитини ташкил этишнинг назарий, амалий ҳамда услубий асосларини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, абстракт-мантиқий фикрлаш, монографик кузатув, статистика, иқтисодий таҳлил ҳамда иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

молиявий ахборотнинг сифат хусусиятларига ўринлилик, ишончли тақдим этишлик, қиёсланувчанлик, текширувчанлик, ўз вақтидалик ва маълумотларни тушунарлилиги принципларини киритиш асосида бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот маълумотларининг шаффофлигини ошириш асосланган;

молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш ва бошқа турдош хизматларни кўрсатиш жараёнида аудиторлар иши сифатининг ички назоратини халқаро стандартлар асосида амалга ошириш таклиф этилган;

акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларини қўллаш орқали умумий қоидалар, молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисобининг танланган услуби ва уларни ёритиб бериш, маълумотларни очиб бериш ҳамда таҳлил қилиш бўлимларини киритиш асосида ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатлари такомиллаштирилган;

молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда назорат муҳити ва амаллари, аудиторлик rischi, ахборот ва коммуникация тизимлари ҳолатини аниқлаш ишчи ҳужжатларини киритиш орқали ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш таклиф этилган;

молиявий ҳисоботларда муаммоли моддаларни индикатор ва назорат кўрсаткичларига ажратиш орқали аудиторлик текширувлари якуни бўйича riskни камайтириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисобот аудитида аудитор баҳолаши керак бўлган назорат муҳити, riskлар ва ахборот тизимлари элементлари таклиф этилган;

молиявий ҳисобот аудити якуни бўйича тузиладиган аудиторлик ҳулосаси турининг фаолият узлуксизлигига боғлиқлиги асосланган;

акциядорлик жамиятлари фаолияти узлуксизлигини баҳолашда таҳлилий амалларни қўллаш жараёни такомиллаштирилган;

аудиторлик текширувларининг муайян кетма-кетлик ва изчилликда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида аудитни режалаштиришнинг олтита босқичи таклиф этилган;

аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилган текширувлар натижаси бўйича аудиторлик riskини камайтириш мақсадида молиявий ҳисобот аудити билан боғлиқ бўлган фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилган;

халқаро стандартлар асосида аудиторлик фикрини ўзида акс эттирувчи модификацияланган аудиторлик ҳулосаларини тузиш тартиби такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг умумтан олинганлиги ва мақсадга мувофиқлиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, хўжалик юритувчи субъектларга оид маълумотлар ҳисобот манбаларидан олинганлиги, ҳулоса, таклиф ва тавсияларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштиришда фойдаланишга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлардан молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш, уни халқаро стандартлар талаблари асосида ташкил қилиш ҳамда мамлакатимизда «Бухгалтерия ҳисоби», «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари», «Аудит» ва «Молиявий ҳисобот аудити» фанларини илмий ва назарий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилиши ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, олий таълим муассасаларида соҳага оид фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Молиявий ҳисобот аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

молиявий ахборотнинг сифат хусусиятларига ўринлилик, ишончли тақдим этишлик, қиёсланувчанлик, текширувчанлик, ўз вақтидалик ва маълумотларни тушунарлилиги принципларини киритиш борасидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан «Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари»нинг янги таҳририни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 29 ноябрдаги 06/17-01-37/853-3676-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида бухгалтерия ҳисобида молиявий ҳисобот маълумотларининг шаффофлигини ошириш ва ташқи фойдаланувчиларнинг оқилона қарорлар қабул қилиш имконияти яратилган;

молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш ва бошқа турдош хизматларни кўрсатиш жараёнида аудиторлар иши сифатининг ички назоратини халқаро стандартлар асосида амалга оширишга оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-677-сонли «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасининг 2021 йил 25 мартдаги 04/1-337-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида аудиторлик ташкилотларида аудиторлар иши сифатининг ички назоратини такомиллаштириш имконияти яратилган;

акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари қоидаларини қўллаш орқали умумий қоидалар, молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисобининг танланган услуби ва уларни ёритиб бериш, маълумотларни очиқ бериш ҳамда таҳлил қилиш бўлимларини киритиш асосида ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф «Тошкентдонмахсулотлари» АЖда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ўздонмахсулот» АКнинг 2021 йил 18 февралдаги 14-1-23/88-264-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши молиявий ҳисобот тузишни олдиндан режалаштириш ва бюджетни шакллантириш, ҳужжат айланиш жараёнини соддалаштириш ва молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тузиш ҳамда тақдим этиш имконини берган;

молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда назорат муҳити ва амаллари, аудиторлик rischi, ахборот ва коммуникация тизимлари ҳолатини аниқлаш ишчи ҳужжатларини киритиш орқали ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича таклифдан Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси томонидан ички назорат тизимини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2021 йил 15 февралдаги 5-сон маълумотномаси).

Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида назорат рискининг оптимал қийматини аниқлаш, аудиторлик rischi ва аудиторлик текширувларида унумсиз харажатлар камайишига эришилган;

молиявий ҳисоботларда муаммоли моддаларни индикатор ва назорат кўрсаткичларига ажратиш орқали аудиторлик текширувлари якуни бўйича riskни камайтириш бўйича тавсиялардан Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси томонидан «Аудиторлик riskини баҳолаш» номли аудиторлик ташкилотининг ички стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар Палатасининг 2021 йил 15 февралдаги 5-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида молиявий ҳисоботларда хатонинг камайиши, ахборотлар ишончилиги ошиши ва ҳаққоний аудиторлик хулосалари тузилишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та илмий мақола, шундан 4 таси хорижий нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 202 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Молиявий ҳисоботларни тузишнинг назарий ва методологик асослари**» деб номланиб, унда молиявий ҳисоботнинг моҳияти ва уни халқаро стандартлар талаблари асосида тузишнинг аҳамияти ва зарурлиги, молиявий ҳисоботларда «ишончилик» тушунчасининг моҳияти, молиявий ҳисоботларни тузишда узлуксизлик принципига риоя қилишнинг аҳамияти ва зарурлиги тадқиқ этилган.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг жаҳон бозорига интеграциялашув жараёни изчиллик билан амалга ошмоқда. Жаҳон бизнесига интеграциялашувнинг Ўзбекистон амалиёти хўжалик юритувчи субъектларга тушунарли, шаффоф ва ишончли бўлиши керак бўлган молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар талаблари асосида тақдим этиш зарурлигини талаб эта

бошлади. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлар талаблари асосида тузилиши маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилигига хизмат қилмоқда. Аммо хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) талаблари асосида тузишда методологик муаммолар юзага келмоқда.

МҲХС бўйича молиявий ҳисоботларнинг аҳамияти масалаларига иқтисодчи олимларнинг асарларида муҳим эътибор қаратилган. Хусусан, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент С.Ташназаровнинг фикрича, ҳисоб ва ҳисоботни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, шу асосда молиявий ҳисоботнинг дунё миқёсида уйғунлигига эришиш, илғор тажрибалардан миллий даражада самарали фойдаланиш барча мамлакатлар учун энг долзарб масаладир⁷.

Бошқа иқтисодчи олимнинг фикрича, бугунги кунда молиявий ҳисоботни такомиллаштиришда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиш ва уни жорий этиш барча мамлакатлар учун долзарб масала ҳисобланади. Жаҳондаги кўплаб мамлакатларда молиявий ҳисобот компиляцияси натижасида МҲХС асосида молиявий ҳисобот тузишга ўтилмоқда⁸.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор А.З.Авлокуловнинг фикрича, халқаро стандартлар асосида тузиладиган молиявий ҳисоботлар ташкилотни самарали бошқаришда зарур ҳисобланади. Халқаро стандартларга ўтишдан асосий мақсад халқаро бозорга чиқиш ҳамда инвестицияларни жалб этишдир. Шунингдек халқаро стандартлар мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан ривожлантиришга ҳам муҳим ҳисса қўшади. Бу жараёнда қулай инвестицион муҳит, компаниялар фаолияти очиклиги, бошқарувнинг акциядорлар олдидаги ҳисобдорлиги, замонавий корпоратив бошқарув услубларининг жорий қилиниши акциядорлик жамиятларининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшади⁹.

Жессика Х.Янг, Нада Какабадзе ва Дмитро Лазовский молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг асосий мақсади ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишдир, деган хулосага келишган¹⁰.

Бошқа иқтисодчи олим молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг қабул қилиниши жаҳон мамлакатларида молиявий ҳисоботларнинг ишончилиги ва таққосланувчанлигига эҳтиёжнинг ортиши билан боғлиқдир, деб таъкидлаган¹¹.

⁷ Ташназаров С.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш: Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. – 74 б.

⁸ Джуманов С.А. Молиявий ҳисобот ахборотларини халқаро стандартлар асосида компиляция қилиш: Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2019. – 56 б.;

⁹ Авлокулов А.З. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида молиявий натижалар кўрсаткичларини акс эттириш хусусиятлари. // «Халқаро молия ва ҳисоб» илмий электрон журнали. №2, апрель, 2017 йил.

¹⁰ Jessica Hong Yang, Nada Kakabadse, Dmytro Lozovskyi. International financial reporting standards (IFRS) as a change agent in Ukraine. // Journal of Governance and Regulation / Volume 2, Issue 3, 2013, Continued – 1

¹¹ Auwalu Musa. The Role of IFRS on Financial Reporting Quality and Global Convergence: A Conceptual Review. // International Business and Accounting Research Journal Volume 3, Issue 1, January 2019, 67-76.

Аммо юқорида қайд этиб ўтилган тадқиқотларда МҲХС бўйича молиявий ҳисоботлар тузишнинг ҳуқуқий ва методологик жиҳатларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Умуман, МҲХС жаҳон мамлакатларида бухгалтерия ҳисобини ёритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишга ягона талаб қўяди. МҲХСни жорий қилиш ички ва ташқи молиявий ҳисоботдан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторлардан тортиб, давлат бошқарув органларигача муҳим ҳисобланади. Биринчи навбатда, оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш учун молиявий ахборот сифати ошади, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларда капитал жалб қилиш бўйича кенг имкониятлар пайдо бўлади. Жаҳон мамлакатларида МҲХСнинг мажбурий қўлланила бошланганига кўп йил бўлгани йўқ. Қуйидаги жадвалда бунга амин бўламиз (1-жадвал).

1-жадвал

Жаҳоннинг айрим мамлакатларида МҲХСнинг қўлланилиши¹²

Мамлакатлар	МҲХСнинг мажбурий қўлланила бошлаган даври ва қамрови
Австралия	2005 йилдан бошлаб хусусий секторнинг барча корхоналари
Аргентина	2012 йилдан бошлаб хусусий секторнинг барча корхоналари
Буюк Британия	2005 йилдан бошлаб листингга кирган барча корхоналар
Германия	2005 йилдан бошлаб листингга кирган барча корхоналар
Канада	2012 йилдан бошлаб листингга кирган барча корхоналар
Мексика	2012 йилдан бошлаб барча корхоналар
Корея Республикаси	2011 йилдан бошлаб барча корхоналар
Россия Федерацияси	2012 йилдан бошлаб банклар, суғурта компаниялари ва листингга кирган бошқа корхоналар
АҚШ	2007 йилдан бошлаб хорижий эмитентлар МҲХСни қўллаши мумкин
Туркия	2008 йилдан бошлаб листингга кирган барча корхоналар
ЖАР	2005 йилдан бошлаб листингга кирган барча корхоналар
Украина	2018 йилдан бошлаб барча корхоналар
Франция	2005 йилдан бошлаб листингга кирган барча корхоналар
Япония	2010 йилдан бошлаб хорижий компаниялар
Ўзбекистон	2021 йилдан бошлаб акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта компаниялари ва йирик солиқ тўловчи мақомига эга юридик шахслар

1-жадвал маълумотларига кўра, 2005 йилдан жаҳон мамлакатларида МҲХС илк бор мажбурий қўлланила бошлаган. АҚШ томонидан эса ўз миллий стандартлари(ГААП)ни МҲХСдан устун кўрганлиги учун фақатгина хорижий эмитентларга МҲХСни қўллаш тавсия этилган. Ўзбекистонда МҲХС илк бора 2011 йил 1 январдан бошлаб, тижорат банклари амалиётида қўлланила бошлаган. 2016 йил 1 январдан акциядорлик жамиятларида қўллаш тавсия этилган. 2021 йилдан бошлаб эса, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари,


¹² Халқаро бухгалтерлар федерацияси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

суғурта компаниялари ва йирик солиқ тўловчи мақомига эга юридик шахслар молиявий ҳисоботлари халқаро стандартлар асосида тузилиши мажбурий этиб белгиланган.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини жадал ривожлантириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилмоқда ва қулай инвестиция муҳити шакллантирилмоқда. Мазкур жараёнда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарорида ҳам молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш¹³ масаласи белгиланиши бунинг яққол исботидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартлар асосида тақдим этилиши инвесторлар учун муҳим ахборот манбаи ҳисобланади. Зеро халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботлар ишончли ва ҳаққоний ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг ишончилиги юқори даражани – маълумотларнинг фойдали хусусиятларини таъминловчи сифат кўрсаткичларидан бири сифатида ўрганиб чиқилиши керак (1-расм).



1-расм. Молиявий ҳисобот маълумотлари фойдалилигини таъминловчи сифат тавсифлари¹⁴

Тадқиқотлар натижасида «Молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари»нинг янги таҳририга таклифлар ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз қонунчилигида ҳам, МҲХС тизимида ҳам ишончли молиявий ҳисоботни таърифлашга ўхшаш ёндашув мавжуд. Бир

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сонли қарори. www.lex.uz

¹⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

томондан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ шакллантирилган молиявий ҳисобот ишончли деб ҳисобланади. Бошқа томондан, алоҳида ҳолатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидаларга амал қилмаслик мумкинлиги тўғрисида аниқлаштирувчи қоида жорий этилиши ишончли молиявий ҳисобот тушунчасининг талқинини сезиларли даражада ўзгартиради. Шу маънода ишончли молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимлари ҳаракатини акс эттирувчи ахборотларни ўз ичига қамраб олади.

МҲҲС бўйича молиявий ҳисобот жавоб бериши лозим бўлган биринчи ва асосий талаб унда акс эттириладиган маълумотлар ишончилигидир. Маълумотларни ишончли тақдим этиш учун ҳисоб сиёсатини халқаро стандартлар асосида тузиш лозим. Тадқиқотлар натижасида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузиладиган ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши ишлаб чиқилди (2-расм).



2-расм. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилувчи ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши¹⁵


Акциядорлик жамиятларида ҳисоб сиёсатининг молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлари асосида тузилиши ташқи фойдаланувчилар учун шаффоф ахборотлар шаклланишига хизмат қилади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Молиявий ҳисобот аудитининг методологик муаммолари**» деб номланиб, унда молиявий ҳисобот аудитининг муаммоли жиҳатлари, молиявий ҳисобот аудитида қўлланилувчи усул ва амаллар тавсифи, аудиторлик текширувларида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигини баҳолашнинг методологик масалалари ёритилган.

Маълумки, молиявий ҳисобот аудити бўйича олиб борилган кўплаб тадқиқотларда уни ўтказиш босқичларига тўхталиб ўтилган. Бироқ кўплаб тадқиқотларда фақатгина аудит ўтказиш босқичларининг номи келтирилиб, унинг таркиби атрофлича ёритилмаган. Муаллифнинг фикрича, молиявий

¹⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳисобот аудитининг босқичлари ва уларда бажариладиган амаллар кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ (3-расм).




3-расм. Молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш босқичлари¹⁶

3-расм маълумотларига кўра, тақлиф этилаётган молиявий ҳисобот аудити 4 босқичдан иборат: молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш, ички назорат тизимига баҳо бериш, молиявий ҳисобот моддаларини текшириш, молиявий ҳисобот аудитини якунлаш.

¹⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Демак, муаллиф томонидан таклиф этилаётган молиявий ҳисобот аудити кетма-кетлигида ички назорат тизимига баҳо бериш масаласига кенг эътибор қаратилган. Зеро, ички назорат тизимини тўғри йўлга қўйиш нафақат аудиторлик рискининг камайиши, балки аудиторлик текширувига сарфланувчи вақт ва харажатлар тежалишига ҳам хизмат қилади.

Молиявий ҳисобот аудити аудиторлик фаолиятида энг муҳим таркибий қисмлардан бири ҳисобланади. Жаҳондаги нуфузли «Катта тўртлик» аудиторлик ташкилотлари фаолиятига эътибор қаратилса, мазкур ташкилотлар даромадларида молиявий ҳисобот аудитидан олинган даромадлар катта салмоққа эга эканлигини кузатиш мумкин (4-расм).



4-расм. «Катта тўртлик» аудиторлик ташкилотларининг 2020 йилда жаҳон мамлакатлари бўйича олган даромадлари таркиби, млрд. АҚШ доллари ҳисобида¹⁷

4-расм маълумотларига кўра 2020 йилда молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш натижасида Deloitte аудиторлик ташкилоти 15,5 млрд. АҚШ доллари, PWC аудиторлик ташкилоти 17,6 млрд. АҚШ доллари, Ernst and Young аудиторлик ташкилоти 12,8 млрд. АҚШ доллари ҳамда KPMG аудиторлик ташкилоти 11,1 млрд. АҚШ доллари миқдоридан даромад олган. Демак, мазкур аудиторлик ташкилотларида молиявий ҳисобот аудитини ўтказиш бўйича олган даромадлари 32,4 % (Deloitte) дан 41,1 % (PWC) гачани ташкил этган.

Мазкур ҳолатлар аудиторлик ташкилотларидан молиявий ҳисобот аудитини ўз вақтида, ҳаққоний ва сифатли ўтказишни талаб этади. Молиявий ҳисобот аудитининг ҳаққоний ўтказилиши аудиторлик ташкилотларида рискининг камайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, аудитор иши сифати яхшиланиши ва аудиторлик ташкилотининг нуфузи ошишига хизмат қилади. Мазкур мақсадга эришиш учун аудиторлик ташкилотларида аудитор иши сифати устидан доимий назорат ўтказиш талаб этилади.


Аудиторлик фаолияти стандартлари аудиторлар фаолияти сифатини оширишда аниқ ва қатъий талабларни қўяди. Фикримизча, молиявий ҳисобот

¹⁷ <https://www.statista.com> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

аудитини ўтказиш ва бошқа турдош хизматларни кўрсатиш жараёнида аудиторлар фаолияти сифатининг ички назоратини амалга оширишда аудитнинг халқаро стандартларига таяниш зарур. Тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси ЎРҚ-677-сонли «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 45-моддасида ўз аксини топди.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида короновирус пандемиясининг кенг тарқалиши хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлиги пасайиши, ўзаро савдо алоқалари, экспорт-импорт фаолиятида юзага келаётган салбий кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлигини баҳолашда муайян қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Шу боисдан молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида тузишда бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари, хусусан, узлуксизлик принциpigа қатъий амал қилиш талаб этилади. Шу боисдан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудиторлик текширувларини ўтказиш жараёнида узлуксизлик принципининг мазмун-моҳиятини муфассал ўрганиш лозим.

Расмий ҳужжатлар ва иқтисодчи олимларнинг асарларида баён этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда узлуксизликни баҳолашнинг қуйидаги асосий жиҳатлари мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин (5-расм).



5-расм. Хўжалик юритувчи субъект фаолияти узлуксизлигини баҳолашнинг муҳим жиҳатлари¹⁸

Демак, хўжалик юритувчи субъект фаолияти узлуксизлигини баҳолашда активлар ва мажбуриятларни баҳолаш, раҳбариятнинг келгусидаги режаларини белгилаш ва келгуси фаолият даврини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Шундай қилиб, хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг узлуксизлиги юридик шахс сифатида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, барча мажбуриятларини бажариб, барча активларни сотгунга қадар ўз фаолиятини амалга ошириш имконияти ва қизиқишига эга эканлигини аниқлатади.

¹⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш ва ўтказиш жараёни**» деб номланиб, унда молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш жараёнини такомиллаштириш, молиявий ҳисобот аудитида ички назорат тизимини баҳолаш йўналишлари, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳолатини баҳолашда таҳлилий амаллардан фойдаланиш йўналишлари баён этилган.

Аудиторлик текширувининг сифати молиявий ҳисобот аудитини тўғри ташкил этиш ва пухта режалаштиришга боғлиқ. Молиявий ҳисобот аудити режаси ва дастурини сифатли тузиш аудиторлик текширувлари учун вақт ва харажатларни оптималлаштириш ва ишончли аудиторлик хулосасини расмийлаштиришга хизмат қилади.

Молиявий ҳисобот аудитини ўтказишда аудиторлар томонидан бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот ва бошқа ҳисобот шаклларидаги муаммоли моддаларни аниқлаш талаб этилади. Аудиторлик текширувларида молиявий ҳисоботда муаммоли моддаларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади (2-жадвал).

2-жадвал

Молиявий ҳисоботларда муаммоли моддаларни гуруҳлаш ва тавсифлаш¹⁹

Муаммоли кўрсаткичлар гуруҳи	Манба	Бухгалтерия ҳисоботидаги моддалар	Қисқача тавсифи (баҳолаш)
Индикатор кўрсаткичлар	Бухгалтерия баланси	Қопланмаган зарар	Хўжалик юритувчи субъектда қопланмаган зарар миқдорининг ошиб бориши фаолият самарасизлиги ҳамда соф активлар камайишини англатади, бу эса фаолият узлуксизлигига салбий таъсир кўрсатади
	Бухгалтерия балансига илова «Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари расшифровкаси»	Муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарзлари, кредит ва қарзлар	Агар хўжалик юритувчи субъектда муддати ўтган кредиторлик қарзлари, банк кредитлари ва бошқа қарзлар белгиланган муддатда тўланмаса, мазкур субъектнинг тўловга лаёқатсизлик ҳолати юзага келади
Назорат кўрсаткичлари	Бухгалтерия балансига илова «Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари расшифровкаси»	Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари	Хўжалик юритувчи субъектда муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари миқдори ошиб бориши келгусида фойда камайишига олиб келади. Шунингдек, мазкур субъектда товар-моддий захираларни харид қилиш ва ишлаб чиқариш фаолиятини узлуксиз давом эттириш имконияти чекланишига сабаб бўлади

Шундай қилиб, молиявий ҳисоботнинг муаммоли моддаларида кўрсатилган индикатор кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар салбий эканлиги ва унинг банкротлик эҳтимоли юқори эканлигини англатади. Назорат кўрсаткичлари эса хўжалик юритувчи субъектда ҳисобот даврида ўта жиддий бўлмаган, лекин келгуси даврларда таъминот жараёни беқарорлашиши ҳамда фойда миқдори камайиши орқали банкротлик ҳолати юзага келишини ифодалайди.

¹⁹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Таҳлилий амаллар орқали акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳолатига баҳо берилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 207-сон қарорига мувофиқ равишда самарадорликнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш муҳимдир. Мазкур қарорда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари сифатида 18 та ихтиёрий ва 13 мажбурий кўрсаткичларни аниқлаш кўзда тутилган²⁰. 3-жадвалда акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар кўриб чиқилади.

3-жадвал

«Тошкентдонмахсулотлари» АЖ, «Тошкентёғмойкомбинати» АЖ ва «Қорасувпахтатозалаш» АЖда фаолият самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар таҳлили, (1 январь ҳолатига)²¹

№	Йиллар	Молиявий мустақиллик коэффициенти	Тўлов қобилияти коэффициенти	Активлар рентабеллиги	Хусусий капитал рентабеллиги
«Тошкентдонмахсулотлари» АЖ					
1.	2014 йил	0,22	1,08	1,02	5,07
	2015 йил	0,22	1,04	0,73	3,03
	2016 йил	0,19	0,98	0,68	3,46
	2017 йил	0,23	1,02	3,81	16,41
	2018 йил	0,20	1,06	8,06	23,09
	2019 йил	0,16	0,95	4,19	26,31
	2019 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши	-0,06	-0,13	3,17	21,24
«Тошкентёғмойкомбинати» АЖ					
2.	2014 йил	0,55	1,18	1,09	3,58
	2015 йил	0,51	1,16	0,77	1,49
	2016 йил	0,57	1,37	13,41	23,19
	2017 йил	0,46	1,12	5,22	11,13
	2018 йил	0,47	1,13	4,34	10,21
	2019 йил	0,48	1,11	3,51	7,23
	2019 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши	-0,07	-0,07	2,42	3,65
«Қорасувпахтатозалаш» АЖ					
3.	2014 йил	0,04	0,91	0,39	8,51
	2015 йил	0,29	1,26	0,31	1,02
	2016 йил	0,37	1,39	0,71	1,86
	2017 йил	0,31	1,24	1,14	3,72
	2018 йил	0,24	1,18	0,27	1,12
	2019 йил	0,43	1,39	10,41	23,83
	2019 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши	0,39	0,48	10,02	15,32


²⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги 207-сон қарори. www.lex.uz

²¹ «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ, «Тошкентёғмойкомбинати» АЖ ва «Қорасувпахтатозалаш» АЖ маълумотлари асосида тайёрланди.

3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар динамикасида турлича ўзгаришлар содир бўлган. Хусусан, «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ 2019 йилда 2014 йилга нисбатан молиявий мустақиллик (-0,06) ва тўловга лаёқатлилик (-0,13) га пасайган бўлса, активлар рентабеллиги 3,17 фоизга ва хусусий капитал рентабеллиги 21,24 %га ошганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, «Тошкентёғмойкомбинати» АЖда ҳам 2019 йилда 2014 йилга нисбатан молиявий мустақиллик коэффиценти -0,07 пунктга, тўлов қобилияти коэффиценти ҳам -0,07 пунктга камайган. Аксинча активлар рентабеллиги 2,42 %га ва хусусий капитал рентабеллиги эса 3,65%га ошган.

«Қорасувпахтатозалаш» АЖда барча кўрсаткичлар бўйича ижобий ўзгаришлар кузатилган. Демак 2019 йилда 2014 йилга нисбатан молиявий мустақиллик коэффиценти 0,39 пунктга, тўлов қобилияти коэффиценти 0,48 пунктга, активлар рентабеллиги 10,02 фоизга ва хусусий капитал рентабеллиги 15,32 фоизга ошган.

Шу ўринда «Тошкентдонмахсулотлари» АЖда активлар таркибининг ўзгаришига ҳам эътибор қаратилади (6-расм).



6-расм. «Тошкентдонмахсулотлари» АЖда узоқ ва жорий активларнинг жами активлардаги салмоғи динамикаси, % да²²


6-расмдан кўришиб турибдики, 2019 йилда узоқ муддатли активларнинг жами активлардаги улуши 20,0 %га тенг бўлиб, мазкур кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 4,5 %га ошган. Бу эса мазкур жамият узоқ муддатли активлар, хусусан, асосий воситалар кўпайтирганлигидан далолат беради.

7-расмда «Тошкентдонмахсулотлари» АЖда хусусий капитал ва мажбуриятлар салмоғи динамикасини кўриб ўтамыз.

7-расм маълумотларига кўра, 2019 йилда мазкур жамиятда мажбуриятларнинг салмоғи 83,4 %га тенг бўлиб, 2014 йилга нисбатан 5,7 %га ошган. Бу эса, пировардида, молиявий мустақиллик ва тўловга лаёқатлилик

²² «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ маълумотлари асосида тайёрланди.

коэффициенти пасайишига сабаб бўлган. Муаллифнинг фикрича, «Тошкентдонмахсулотлари» АЖ раҳбарияти мажбуриятларни камайтириш ҳамда соф фойдани кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириши зарур.



7-расм. «Тошкентдонмахсулотлари» АЖда хусусий капитал ва мажбуриятлар салмоғи динамикаси, % да²³

Демак, молиявий ҳисобот аудитда юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларни қўллаш хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти самарадорлигини ҳаққоний баҳолаш имконини беради.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Молиявий ҳисобот аудитида фирибгарлик ва хатоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўналишлари**» деб номланиб, унда молиявий ҳисоботда фирибгарлик ва хатоларни аниқлаш масалалари, молиявий ҳисобот аудитида жорий активлар билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш йўналишлари, молиявий ҳисобот аудитида фирибгарлик ҳолатини камайтиришда Сарбейнс-Оксли қонунининг аҳамияти баён этилган.


